ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 10 октябр, сешанба № 164 (2213)

Ушбу сонда:

2 ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

3 БОЛАЛАР НАФАҚАСИ у кимларга берилади?

4 МЕҲРИ БОРНИНГ — СЕҲРИ БОР

## ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ ЗАФАР ҚУЧДИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, деҳқонларда ерга, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани, ҳосил етиштиришда янгича иш услуби ва илғор агротехникаларнинг қўлланилиши бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Буни Тошкент вилояти пахтакорлари қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар давлат қабул пунктларига 275 минг тоннадан ортиқ сифатли хомашё топшириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини уддаладилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Вилоят пахта хирмонига Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Бекобод туманлари деҳқонлари айниқса салмоқли улуш қўшди.

Вилоятнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, серҳосил навлар танлаб экилгани, ғўза парвариши агротехника талаблари асосида олиб борилгани ҳам ижобий натижа берди. Пахта ҳосилдорлиги айрим фермер хўжаликларида 40-42 центнерни ташкил этди. Жорий йилда зарар кўриб ишлаётган ширкатларни тугатиш ҳисобидан вилоятдаги фермер хўжаликлари сони ўн етти мингдан ошиб кетди. Бу эса, пахтачиликдаги умумий кўрсаткичлар кескин ортишига пухта замин яратди. Бу йилги меҳнат ғалабасида пахтачилик билан шуғулланаётган беш мингдан зиёд фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, хўжаликларга мавсум давомида уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилди, улар қишлоқ хўжалиги техникалари билан етарли даражада таъминланди. Шу маънода, ушбу ютуқда нафақат пахтакорлар, балки ерни шудгорлаш, унга чигит қадашдан тортиб ҳосилни йиғиб олишгача бўлган жараёнда иштирок этган турли касб эгаларининг, барча меҳнаткашларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

- Жорий йилда маҳаллий иқлимга мос келадиган «Наманган-77» навини етиштирдик, - дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги «Хондамир» фермер хўжалиги раҳбари Феруза Маматқулова. - Йил бўйи қилган меҳнатимиз кутилганидан ҳам кўпроқ самара берди. Биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил олиб, режани 120 фоизга уддаладик. Бу биз - фермерларга яратилаётган имкониятлар, мустақил ва самарали ишлашимиз учун берилаётган имтиёзлар натижасидир.

Вилоят пахта далаларида ҳали ҳосил мўл. Пахта йиғим-терими давом этмоқда.

**(ЎзА)**

*Етакчи минбари*

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ

Маълумки, ҳар қандай ғоя, биринчидан, воқеликни ўрганиш натижасидаги билим сифатида юзага келса, иккинчидан, уни ўрганиш ва ўзгартиришнинг янги йўналишларини, яъни мақсадни ифодалайди. Демак, ғоя воқеликка айланиши мумкин. Буни амалга ошириш механизми, унга етишиш йўли эса — мафкурадир. Модомики шундай экан, юқорида қайд этилган ғояни воқеликка айлантириш, рўёбга чиқариш борасида ижтимоий шерикчилик тамойилини касаба уюшмалари тактикаси сифатида қабул қилишимиз айнан мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган ёқилғи-энергетика комплекси ва кимё саноати тармоқларида иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкчилик шакли ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш жараёнлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Жумладан, эркинлаштириш ва хусусийлаштириш, мулкчиликнинг жамоа шаклларини (компания, акциядорлик жамиятлари, қўшма ва хусусий корхоналар ва ҳ.к.) шакллантириш ва уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шундай жараёнлар давомида иш берувчилар билан ижтимоий шерикчиликни қарор топтириш ва ривожлантириш касаба уюшмалари фаолиятидаги устувор вазифалардан бирига айланиши табиий. Ижтимоий шерикчилик эса — аввало иқтисодий манфаатларнинг мос келиши, мулкка ва фойда-зарарга шерикчилик, ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва ҳамдардлик муносабатлари заминида шаклланади. Унинг шаклланиш жараёнидаги жозибадор жиҳатларидан бири, ҳар бир корхона тараққиётининг зарурати ундаги ҳар бир ишчининг манфаати шаклида ифодаланишидир. Шу боисдан ҳам корхона ва ташкилотларда ижтимоий шерикчиликни амалга оширишнинг асосий механизми бўлган жамоа шартномалари ва келишувларининг корхона тараққиётига ҳамда ҳар бир ходим манфаатига хизмат қилишини таъминлаш ўта муҳим масалалардан биридир.

Бугунги кунда тармоқлар тизимидаги барча корхоналар жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинишига эришилган. Жамоа шартномаларига меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш каби меҳнат муносабатларига оид асосий масалаларнинг ҳар бири бўйича 10-15 дан ортиқ мажбуриятлар киритилган. Юқорида қайд этилган масалалар юзасидан амалдаги меҳнат қонунчилигида белгилаб қўйилган мажбурий талаблар ва меъёрлар тўлиқ инобатга олинишига алоҳида эътибор берилган. Жамоа шартномаларига киритилган ҳар бир мажбурият, имтиёз ва кафолатлар, иш ҳақининг энг кам миқдори, тариф ставкалари, устама ва қўшимча тўловлар, разрядлар, тариф коэффицентлари, турли рағбатлантириш тўловлари ҳамда уларнинг аниқ миқдорлари бевосита иш берувчилар билан музокаралар жараёнида шакллантирилиб, ҳар томонлама асосланган ҳолда шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилишига эришилган. Касаба уюшма Марказий кенгаши ташаббуси билан қатор корхоналарда жамоа шартномаларининг ижроси мунтазам равишда таҳлил қилиб борилишини ҳамда юзага келувчи муаммоларни ҳал қилиш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқилишини таъминловчи меҳнат маслаҳатлари доимий комиссиялари жорий этилган. Натижада, кейинги уч йил ичида жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши 96,1 фоиздан 97,4 фоизга ортган, ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ эса 323,0 минг сўмдан 470,0 минг сўмга етган.

**(Давоми 2-бетда)**



## «Тошкент опен» якунланди



**Тошкент теннис марказида Аёллар теннис уюшмаси — WTA Tour мусобақалар тақвимидан жой олган хотин-қизлар ўртасида «Тошкент опен» анъанавий халқаро теннис турнири якунига етди.**

Мусобақанинг финал учрашувида омад хитойлик иқтидорли ёш теннисчи — Тиантиан Сун томонида бўлди. У ўзига қарши кортга чиққан ҳамюртимиз Ирода Тўлаганoвани 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди Т.Сун ҳам ўз вақтида «Тошкент опен» турнирида ғолиб чиққан А.Смашнова (Исроил), Б.Ламаде (Германия), И.Тўлаганова (Ўзбекистон), М.Микаэлян (Швейцария), В.Руано Паскуал (Испания), Н.Ваидисова (Чехия) ва М.Крайчек (Нидерландия) каби хотин-қизлар тенниси оламида ўз обрў-эътиборига эга теннисчилар сирасига қўшилди.

Мусобақанинг жуфтликлар ўртасидаги беллашувларида Беларусдан келган теннисчилар — Виктория Азаренко ва Татьяна Пучек жуфтлиги турнир ғолиби, деб топилди.

**(ЎзА)**

*Республика касаба уюшма ташкилотларида*

## ПЕНСИОНЕР

### ҳам бошланғич ташкилот сафида

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши кейинги йилларда бир қатор Европа ва Осиёнинг ривожланган мамлакатларидаги касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Уларнинг илғор иш тажрибалари амалда қўлланмоқда. Масалан, Олмония касаба уюшмаларининг тажрибасига суянган ҳолда тармоқда ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар билан ишлаш йўлга қўйилди. Унга кўра ходим пенсия ёшига етгандан сўнг ҳам унинг касаба уюшма аъзолиги сақлаб қолинади. Бу бир томондан, узоқ йиллар тармоқда ишлаган мутахассисларнинг бой иш тажрибасидан фойдаланиш имкониятини берса, иккинчидан, касаба уюшма томонидан бериладиган барча имтиёзлардан уларнинг ҳам баҳраманд бўлиши таъминланади.

## ХОДИМЛАРГА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХДА

Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари маъмурият билан ҳамкорликда ички имкониятлардан унумли фойдаланиб ишлаб топилган маблағларни меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга сарфлашмоқда. Шу жумладан, Норин туманидаги агросаноат коллежи ўқув тажриба хўжалигида етиштирилган буғдой ҳосили 50 фоизга арзонлаштирилган нархда ходимларга тарқатилди.

Шу тумандаги «Булбулча» номли мактабгача тарбия мажмуасида олиб борилаётган тадбиркорлик фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Бу ердаги ёрдамчи хўжаликда ишлаб топилган маблағ 171 нафар болаларга бепул озиқ-овқат, дори-дармон учун ҳамда ходимлар эҳтиёжига сарфланмоқда.

## БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР ТАРБИЯЛАНИШМОҚДА

Кейинги йилларда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан меҳнат жамоаларида болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялаш ҳамда спортга жалб этиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу муҳим вазифа Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига асосан амалга оширилаяпти.

Айни вақтда жамият тасарруфида 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг тўрттаси ихтисослаштирилган Олимпия резервлари спорт мактабларидир. Шунингдек, 3 та тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари қошида ҳам шундай спорт мактаблари ишлаб турибди. Уларда 822 нафар мутахассис ёшларга спорт сирларидан сабоқ бермоқда.

**Ўз мухбирларимиз**

## «ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР ҚАЧОН ЭПАҚАГА КЕЛАДИ?»

### «Ишонч» 2006 йил, 16 сентябр

***Ўзбекистон Автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик компанияси мутасаддилари танқидий мақолани ўрганиб чиқиб, қуйидаги жавобни йўллашган. У таҳрирсиз босилмоқда:***

*— Республикадаги жами 3626 километрлик халқаро аҳамиятга эга бўлган йўлнинг 339 километри Самарқанд ва 113 километри Хоразм вилояти ҳудудидан ўтганлиги муносабати билан фақат сўнгги уч йил мобайнида вилоятнинг ўзидан йўл учун йиғилаётган маблағ миқдоридан 3-3,5 марта кўп маблағ сарфланмоқда. Айни кунларда Республика Президентининг 2006 йил 3 мартдаги «Йўл қурилиш ишларининг ҳажми ва сифати учун назоратни кучайтириш ва 2006 йил автомобил йўлларини қурилиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида мазкур вилоятларда катта ҳажмда йўл қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.*

*Ушбу қарор асосида 2006 йилда вилоятдаги М-37 «Самарқанд-Бухоро-Ашхобод» автомобил йўлининг 73-81, 126-147 километрлари реконструкция қилиш учун 8 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб 29 километр, А-380 Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов автомобил йўлининг 322-327, 429-439, 439-445 (жами-21 км) километрлари учун 4,5 миллиард сўм ажратилган бўлиб, автомобил йўлининг ушбу бўлакларининг техник ҳолати тубдан яхшиланади ва замонавий магистрал талабларига жавоб берадиган қилиб таъмирланади.*

*Мақолада бажарилаётган йўл ишларнинг сифатсизлиги тўғрисидаги фикрга қўшилиш қийин. Чунки бугунги кунда Республика Президентининг 2006 йил 3 мартдаги «Йўл қурилиш ишларининг ҳажми ва сифати учун назоратни кучайтириш ва 2006 йил автомобил йўлларини қурилиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида бажарилаётган ишлар, сифати ва ҳажми буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан қатъий талаб ва мезонларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда.*

*Қолаверса йўл ишлари сифати назорати «Ўздаврхитектқурилиш» қўмитаси ва вилоятлардаги ягона буюртмачи инженеринг компаниялари томонидан амалга оширилмоқда. Мақолада қандай таъмирлаш тўғрисида гап кетганлигини билмадигу лекин ҳақиқатдан йўл қопламасини бир меъёрда ишлаб туришини таъминлаш мақсадида икки ёки уч йил сақлаб туриш учун мўлжалланган таъмирлаш турлари ҳам мавжуд бўлиб маблағ танқислигида маҳаллий ашёлар билан ана шундай юза таъмирлаш ишлари ҳам бажарилади.*

*Бугунги кунда вилоятлар йўл ташкилотларининг йўлларни қуриш, сақлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятида анча ижобий ўзгаришларга эришилган бўлиб, айтиш жоизки, автомобил йўлларининг бундан уч-тўрт йил илгариги техник ҳолатига таққослаганда катта ижобий фарқ қилаётганлигини мутахассислар ҳам, йўллардан фойдаланувчилар ҳам яхши билишади. Умуман олганда таҳлил ва кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, йўл транспорт ҳодисаларининг сўнгги вақтларда кўпайиши, бевосита йўлларнинг равонлиги ошганлиги туфайли ҳайдовчиларнинг катта тезликда ҳаракат қилган ҳолда йўл қоидаларига риоя этмаётганлиги оқибатида вужудга келмоқда.*

**Н. ШОСАИДОВ,**
**Бошқарув раисининг ўринбосари**

* * *

***«Самарқандавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти «Таъмирталаб йўллар қачон эпақага келади?» сарлавҳали танқидий мақолани М-37 автомобил йўлига хизмат қилувчи ташкилот бошлиқлари ва муҳандислари иштирокида батафсил ўрганиб, камчиликларни бартараф қилиш бўйича мутахассисларга топшириқлар берди.***

*Республика Президентининг ПҚ-299 сонли қарорига асосан Самарқанд-Каттақўрғон-Навоий вилоятигача бўлган қисмининг 8-14 кмда 6 км, 45-51 кмда 6 км, 106-116 кмда 6 км, 126-147 кмда 21 км, жами 39 кмда таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти, шу билан бирга ушбу йўлнинг 126, 128, 129, 130 ва 135 кмда 5 та кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

*М-37 автомобил йўлини 2010 йилгача тўлиқ таъмирлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда шу асосида ишлар ташкиллаштирилган.*

*Самарқанд-Каттақўрғон-Навоий умумий фойдаланувдаги автомобил йўлида сақлаш, жорий таъмирлаш юмушлари узлуксиз давом этмоқда.*

**А. МАДИЕВ,**
**«Самарқандавтойўл» ЙҚХШТ директори**

*«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига*

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАДБИРКОР РАИСИ

***Тадбиркорликни ривожлантиришга асос солинган дастлабки кезлар эди ўшанда. Одамлар шуурида соҳа билан шуғулланиш мойиллиги анча кучли. Шунга йўналтирилган ҳукумат қарорлари мавжуд бўлса-да, бироқ кўпчилик ҳали унинг ҳадисини олмаганидан ишни нимадан бошлашини ўйлаб, боши қотган. Хоразмда ҳар қарич ер ҳисоб-китоблилиги учун, уларга қаердан жой ажратиб бериш масаласида ҳатто вилоят мутасаддилари ҳам бир тўхтамга келишолмаётганди.***

Лойиҳалаштириш бўйича ўтказилган ҳокимлик йиғилишида ҳар ким ҳар хил фикр билдирар, бири қисман маъқулланса, бошқаси талабга жавоб бермасди. Кутилмаганда, қани бу масалада «Тадбиркорлар уюшмаси»нинг фикри қандай, деб сўраб қолишди.

Бахтиёр Ибрагимовнинг катта йиғилишда илк бор сўзга чиқиши эди. Шунданми, ҳар ҳолда фикрини жамлагунича бироз вақт ўтди. Қаддини ростлаб олгач, аввал Урганчнинг аэропорт йўлидаги ташландиқ жойларни, сўнг деҳқон бозори жанубий қисми, ҳунармандчилик бўйича хонадонларда ва барча туманлардаги бозорларда, мавжуд «Универмаг» савдо марказларида ҳамда Хиванинг асосий кўчаси икки тарафини ободонлаштириб, ишбилармонларга ажратиш бўйича ўзи тайёрлаган лойиҳа-сметанинг барча талабларга мос келиши, қурилиш ишлари ён-атрофдаги бирорта хонадонга зарар етказмаслигини изоҳлаб берди. Таклиф сарф-харажатларни бир неча бор қисқартириш қаторида қурилиш таннархи ҳам арзон ва сифатли бўлишига имкон берганлиги боис, лойиҳа кўпчиликка маъқул тушди.

Хоразм воҳаси аҳолиси қадимий осори-атиқалари, санъати ва миллий ҳунармандчилиги, тадбиркорлиги билан азалдан машҳур. Бироқ «қон»да бўлгани билан меъёрий ҳужжатлар ва амалдаги қонунларни пухта ўзлаштирмаса барибир қийин экан-да. Шу сабабли бошланишида ишбилармонлар ўз ҳақ-ҳуқуқини англолмай бироз қийналишгани бор гап.

Уюшма раҳбарининг ўз касбига астойдил меҳр қўйишининг боиси бор. Ҳаётида умрбод ёдда қоларли бир воқеа уни шу соҳага бел боғлаб, элга наф келтиришга ундаган. Тўқсонинчи йилнинг қирчиллама қиш кунларидан бирида Вильнюс шаҳрида таҳсил олаётган 14 нафар юртдошлар ётоқхонада ош дамлаб, ҳангомалашиб ўтиришарди.

Бир пайт комендант аёл — йигитлар, меҳмон бошлаб келдим, деб қолса бўладими! У ёқ бу-ёқни йиғиштириб олишга ҳам улгуришмади. Эшик очилиб, остонада Ислом Каримов кўринди. (Ўша кунлари давлатимиз раҳбари хизмат юзасидан Латвия республикасида бўлган чоғларида бу ердаги олий мактабда ўқиётган ёшларни эшитиб, уларнинг ҳолидан хабарлашиш мақсадида келганди). Ҳайратдан лол қотган ёшларни Юртбошининг ўзи гапга солди.

Суҳбат самимий ва анча давом этди: «...Ҳали Латвияда эмас, дунёнинг истаган давлатида ўқийсизлар, керак бўлса ишлайсизлар...». Бу сўзлар йигитларнинг қулоғида бир умрга қолди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Олий мактабни тугатиб, Хоразмда ишлаб юрганида Бахтиёр акани йўқлаб қолишди. Аввал Вашингтон университетида «Давлат бошқаруви ва тадбиркорликни ривожлантириш» дастури бўйича, кейинроқ Англиядаги Бутунжаҳон университетида, Москвадаги Ломоносов номли университетда танлаган соҳасида ўқиди, ҳатто номзодлик диссертациясини ҳам ўша жойда ёқлади.

Ўзи билган ва хорижда орттирган тажрибалар вилоятда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга шароитлар яратишга асқотди. Баъзи муаммоларнинг кўндаланг бўлишига қарамай, соҳадагиларга амалий ёрдам тариқасида газета очди ва ишбилармонларнинг фаолияти, эришаётган ютуқлари ҳамда меъёрий ҳужжатларни юритиш тартиби мавзуларида мутахассислар фикрини бериб борди. Унинг ҳар сони уюшма орқали соҳадагиларга етказиб турилди. Натижада қисқа вақт оралиғида фаолиятдаги қонунбузилишлар кескин камайиб, уюшма таркиби кенгайди, у билан ҳамкорликда иш олиб боришга ўз хайриҳоҳлигини билдирувчилар сони кўпайди.

Барибир бозор иқтисоди шароити рақобатчиликни хушлаши сезилиб турарди. Бугун режалаштирилган иш эртага тўғри келмаслиги ҳам мумкинлигини улар англашди. Боз устига, ана шундай пайтда тадбиркор меҳнат қонунлари ва бошқа жиҳатдан ўзини ҳимояловчи ташкилот — касаба уюшмасига эҳтиёж сезди.

Ўзбекистон савдо, матлубот ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши вакиллиги аъзоларининг йиғилишида раисликка муносиб уч-тўрт нафар номзодлар рўйхати келтирилди. Улар орасида вилоят Тадбиркорлар уюшмаси раҳбари Бахтиёр Ибрагимов ҳам бор эди.

Расмиятчилик ва шов-шувларсиз, ошкораликда ўтказилган 1999 йилги раислик сайловида у ҳам ўз режалари, мақсад ҳамда олдиндаги вазифаларни баён қилди...

Янги раис ишни туманларда аъзолар билан учрашувлар ўтказиб, ишловчиларга яратилаётган шароитлар ҳамда хонадонларда касаначиликнинг қандай шаклланаётгани ва муаммоларни бартараф этишдан бошлади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни шакллантирди. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришида ва четга экспорт қилишида кўмаклашди.

**(Давоми 2-бетда)**

## Боқий қадриятлар

***Урф-одат ва анъаналар ҳаётимиз мазмуни, шукуҳи, руҳи ва гўзаллигидир. Улар замирида ҳаётнинг теран ҳақиқати мужассам бўлиб, авлоддан-авлодга ўтаверади.***

# БЕШИК ТЕБРАНАДИ, АЛЛА АЙТИЛИБ...

Янги туғилган чақалоқ бешикка ётқизилади. Бешик тебранади, бола янги муҳитга кўника олмай йиғлайди, алла айтиш мавриди келади. Шунда қариндош-уруғлари олдида алла айтишга уялаётган келинни хижолатдан қутқариб қайнонаси ҳиргойи қила бошлайди:

Ишонмасдан еру кўкка оғушимда аллалай,
Юзларимга тиниқ кўзгу кўзларингдан айланай.
Алла болам аллаё, қўзичоғим аллаё.

Бундай сермазмун ва пурмаъно «Алла» қўшиғининг айтилиши — қадим-қадимдан момолардан мерос. Куйлаётган қўшиқда онанинг ички кечинмалари, изтироблари, ҳис-туйғу ва орзу-ўйлари мужассам. Уни тинглаб бешикдаги бола илк бор ватан туйғусини ҳис этиб улғаяди ва камол топади.

Яқинда республика биринчилиги учун бўлиб ўтган «Фарғона-2006» кўрик-танловида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Бахт» маҳалласига қарашли «Маржон» фольклор жамоаси ҳам иштирок этди. Жамоа аъзолари ҳудудга хос бўлган анъана, маросим ва урф-одатларни намойиш этишаркан, театрлаштирилган саҳна кўринишларида қадимий халқ қўшиқларидан алла, айтишув ва лапарлар айтишди, халқ рақсларидан намуналар ижро этишди. Турли касб эгаларидан Дилором Мамасолиева, Норбуви Иброҳимова, Қумри Сатангова ва Дилором Аҳмедоваларнинг ҳар бир чиқишлари томошабинларга завқ бағишлади. Саҳна жиҳози учун сўзана, кашталар, кўрпа-кўрпачалар, сарпо ва сандиқлар қўйилганди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари «Маржон» фольклор жамоасининг ҳудудга хос анъана, маросимлар ва урф-одатлар асосида театрлаштирилган саҳна кўринишини алоҳида эътироф этишди. Бу уларнинг катта синовдаги илк қадами эди.

— Кўрик-танловнинг ўтказилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди, — дейди «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний, маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зебо Умрзоқова. — Мамлакатимизда улғайиб камол топаётган фарзандларимиз, айниқса, ёшларимиз ўз халқининг ўтмишига ихлос ва эътиқод билан қарашлари лозим бўлади.

Йиллар ўтиши билан ҳаётда ҳамма нарса ўзгаради. Янги-янги маданий-маиший иншоотлар, билим даргоҳлари, зиё масканлари, кенг ва равон йўллар барпо этилиб, мамлакатимиз қиёфаси янгиланаверади. Лекин халқнинг, миллатнинг урф-одатлари ва анъаналари боқий бўлиб қолаверади.

**Абдулла САИДОВ**



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Деҳқонобод тумани бўйича вакили **Ашуров Абдиқодирни** бешафқат ўлим орамиздан 2006 йил 4 октябр куни олиб кетди.

Ашуров Абдиқодир 1946 йил 21 декабрда Деҳқонобод туманининг Айридевол қишлоғида туғилди.

Ашуров Абдиқодир иш фаолиятини 1968 йил Ғузор туманидаги Ломоносов номли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1970-1971 йиллар Ғузор туманидаги Пачкамар қурилиш техникумида ўқитувчи, 1971-1975 йиллар Деҳқонобод тумани комсомол ташкилотида ташкилий бўлим мудири ва котиб вазифаларида ишлади. 1975-1985 йилларда партия комитетида инструктор, сиёсий маориф кабинети мудири, пропаганда ва агитация бўлим мудири вазифаларида ишлади. 1985-1987 йилларда Деҳқонобод туманидаги 15-касб-ҳунар техника билим юртида директор, 1987-2000 йилларда туман халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлади. 2000 йилдан 2004 йилга қадар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод туман қўмитасининг раиси, 2004 йилдан ҳозирга қадар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Деҳқонобод тумани бўйича вакили лавозимида фаолият кўрсатиб келди.

Ашуров Абдиқодирнинг порлоқ хотираси ҳар доим ёдимизда сақланади. Унинг оила аъзолари ва яқинларига ўз ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг жамоаси**

## Назм бўстонида



***Сайёра Самандарова Тошкент шаҳрида туғилган. Филология фанлари номзоди. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари. «Сизга айтолмаган сўзларим» номли илк шеърлар тўплами Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган. «Кўнглим» номли янги тўплами дунё юзини кўриш арафасида. «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.***

### АССАЛОМ, ЖОНИМГА КИРГАН ҲАЙҚИРИҚ!

*Ассалом, кузгинам, бағри куйигим,*
*Мени адашмайин топиб келдингми?*
*Эгнингда ҳажрнинг гўзал либоси,*
*Дийдор эшикларин ёпиб келдингми?*
*Дилимизда ишқдан қолган доғлар бор,*
*Ёмғир юволгайми гардларимизни?*
*Заминга сиғмади ҳасратларимиз,*
*Осмон тинглагайми дардларимизни?...*
*Оёғимни қучар сокин хазонлар,*
*Беун йиғлайдилар бесас чақириб.*
*Ассалом, теграмга қўнган сукунат,*
*Ассалом, жонимга кирган ҳайқириқ!*

### ҲИЖРОН ЙЎЛЛАРИДА

*Ёрга етар кун борми, ёронлар?*

Бобораҳим **МАШРАБ**

*Ҳижрон йўлларида дийдор топилмас,*
*Фироқ эшиклари бир он ёпилмас,*
*Ошиқ дардларини бедардлар билмас,*
*Куйган юрак азал хорми, ёронлар»*

*Ким ишқ деса, бошдин оёқ адодир,*
*Бир висолнинг илинжида гадодир,*
*Дил тўла ғам, боши тўла ғавғодир,*
*Диллар дилга мудом зорми, ёронлар?*

*Нимта-нимта кўнгил кунга сиғмайди,*
*Йиғлаб-йиғлаб қаро тунга сиғмайди,*
*Оҳу фиғонлари унга сиғмайди,*
*Ишқ элига дунё торми, ёронлар?*

*Кўзларингда қотиб турса ёлғонлар,*
*Тиззангдан ҳам пастлаб кетса осмонлар,*
*Топилмаса дилгинангга посбонлар,*
*Ёлғончига ёлғон ёрми, ёронлар?*

*Бошинг эгсанг, қамчилари тинмайди,*
*Додинг айтсанг, ғамчилари тинмайди,*
*Кўз ёшингнинг томчилари тинмайди,*
*Дунё яхшиларга дорми, ёронлар?*

*Ёлғон бағрин ўқдай тилмаган ким бор,*
*Ҳажрнинг доғини билмаган ким бор,*
*Дилига хазонни илмаган ким бор,*
*Сайёрага ҳамдард борми, ёронлар?*

Сайёра **САМАНДАРОВА**

## Қадр борки, қадрият яшар

***Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари юксак иззат-икром, эътибор ва ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Табаррук отахон ва онахонларни ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини яхшилаш, қариликдаги ҳаётлари гаштли ўтиши тўғрисида қайғуриш биринчи даражали вазифага айланган.***

***Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий "Меҳр-мурувват, дўстлик, иноқлик, меҳнаткашлик бўлса, давлат обод бўлади" деб ёзган эди. Инсон қадр-киммати ҳар нарсадан юқори қўйилган юртдан файзу барака аримайди.***

***Қашқадарёликлар Юртбошимизнинг "Ватанни севмоқ иймондандир", "Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ керак", "Савоб ишни ҳар куни ва ҳар ким қилиши лозим" деган ўгитлари асосида эзгулик йўлида фидойилик кўрсатаяптилар. Она юрт ишқини қалб меҳварига жойлаган, муқаддас гўшани яшнатиш, озод ва обод ҳаётимизни янада фаровон қилиш учун астойдил тер тўкаётган инсонлар ҳамиша эъзозда.***

# МЕҲРИ БОРНИНГ — СЕҲРИ БОР

Қарши шаҳрида 14 нафар 100 ёшли онахон яшайди. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида тадбиркор Гулчеҳра Примқулова ташаббуси билан ташкил этилган "Муҳтарама аёл" уюшмаси томонидан бу табаррук инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ҳолидан хабар олиб турилибди. Гулчеҳра опа ёши саксондан ошган онахонларни ҳам ижтимоий ҳимояга олган. У яқинда қарияларни бир пиёла чойга таклиф этиб, 120 нафарига совға-саломлар тарқатди. "Аёл истиқлол эъзозида" мавзусида уюштирилган мулоқот уч авлод вакилларининг ҳақиқий учрашувига айланди. Бундан ташқари, уюшма фаоллари 90 ёшли Нарзи Акрамова, Саодат Каниева, Таскира Камолова хонадонларида бўлиб, кўнгил сўрашганда кексаларнинг боши кўкка етди.

Ғузор тумани ҳокимлиги вакиллари Янгикент қишлоғида умргузаронлик қилувчи юз ёшли Нозик момо Самиева, чироқчилик фаоллар олис Оқчова қишлоғида яшовчи 107 ёшли Азиза момо Гадоевани зиёрат қилиб, дуосини олдилар.

Ҳалол меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Қарши туманининг Кожор қишлоғида "Хумор" фермер хўжалиги раҳбари, 16 фарзанднинг онаси, саккиз келин, саккиз куёвнинг қайнонаси, 68 ёшли Хумор момо Бекмуродова яшайди. Оддий ўзбек аёли Умр йўлдоши нафақадаги ўқитувчи Карим Бекмуродов билан оқилу доно ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказган.

— Ўн беш йилдан бери фермерлик қиламан, — дейди ушоққина жуссасидан куч-ғайрат ёғилиб турган Хумор опа олис кенгликларга тикилиб. — Қирқ гектар майдонда ғалла ва пахтадан мўл-ҳосил етиштириб, шартнома режаларини бажариб келаяпман.

Онахоннинг яхши бир одати бор. Кам таъминланган оилалар, бева-бечоралардан кўнгил сўраб, ғалла, ўсимлик мойи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатади. Қишлоқдаги Турди Тўраев деган қарияга фермер хўжалиги ҳисобидан ногиронлик аравачаси топширди.

— Воҳамизда 155 мингдан ортиқ фахрий бор, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими кенгашининг раиси Январ Иноятов. — Фахрийлар билан доимо мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга интилаяпмиз. "Маҳалла" хайрия жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси, хотин-қизлар қўмиталари, туман, шаҳар ҳокимликлари ва фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатилаяпти.

Меҳр ва мурувватлилик, саховатпешалик, сахийлик, хайр-эҳсон қилиш, олиҳимматлилик, бағрикенглик бизга авлод-аждодларимиздан, ота-боболаримиздан ўтган. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ногиронлар, етим-есирлар, бева-бечоралар, кам таъминланган оилалар, қаровсиз ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий кўмак берилаяпти.

Фахрийлар кенгаши раиси Я.Иноятов, вилоят ҳокими, сенатор Нуриддин Зайниев билан биргаликда Чироқчи туманидаги Раимқуловлар хонадонида бўлишди. Бу оиланинг 3 нафар ногирон фарзанди бор. Улардан Наврўз шеър ёзади, дурадгорлик қилади. Гўзал расмлар чизади. Сардор ҳам фойдали иш билан машғул. Болаларнинг биронтаси бекор турмайди. Ўғил-қизларга Президентимиз совғаси — компьютер топширилганида кўзларида қувонч ёшлари қалқиди, кўрсатилган ғамхўрликдан ўксик кўнгиллар тоғдек кўтарилди, ҳаётга, эртанги кунга ишончлари ортди.

Ватанни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Воҳа раҳбарлари Қамаши шаҳрида яшайдиган Светлана Петрова билан суҳбатлашганларида бунга амин бўлишди. Светлана опа иккинчи жаҳон уруши пайтида шу ердаги болалар уйига келиб қолган. Шундан сўнг рус қизини ўзбек оиласи ўз бағрига олган. Улғайгач Россияга бориб ўқиди, ишлади. Барибир болалиги ўтган Қамашидан кўнгил узолмади. Ўзбекистонга қайтиб келиб, ўзбек йигитига турмушга чиқди. Фарзандлар кўриб, бахтли ҳаёт гаштини сурмоқда.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 600 дан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари Тошкент шаҳрига уч кунлик саёҳатга бориб, истиқлол йилларида республикамиз пойтахтида амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Мустақиллик майдони, Мотамсаро она ҳайкали, Эзгулик аркаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, "Шаҳидлар хотираси" мажмуаси ва бошқа ёдгорликлар билан танишдилар, Зангиота зиёратгоҳини тавоф қилдилар.

Умр мазмуни эзгу ишлар билан ўлчанади. Қашқадарёликлар Лёва бобо деб улуғлайдиган Лев Николаевич Ким Қарши даштида ўттиз йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланади. Қўли очиқ инсон ўтган беш йил мобайнида олий ўқув юртларида таълим олаётган 30 нафар талабанинг контракт пулларини тўлаб берди, кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзди.

Оддий чўпонликдан ферма мудири, хўжалик раҳбари даражасига кўтарилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, "Дўстлик" ордени соҳиби Мамат Жумақулов Қарши дашти кенгликларида Авазчўл деб номланган чорвадорлар қўрғони барпо этди. Бугунги кунда қарилик гаштини сураётган тажрибали инсоннинг ташкилотчилиги туфайли мактаб, қишлоқ врачлик пункти, янги турар-жойлар қад ростлади. Чўл ерларидан 2 минг гектар ўзлаштирилиб, пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилаяпти.

Жейновлик Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов, помуқлик Нурмамат Рустамов, яккабоғлик Қодир Бозоров, Карол Маҳмудов, нишонлик Ҳайитмурод Фармонов, Жўра Хушназаров, Ҳаким Усмонов, вилоят марказида яшаётган Исом Жалилов, Маннон Самадов, Муҳаммади Рўзиев, Бекмурод Элбоев сингари қариялар ҳам кексаликка тан бермай бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини ёшлар тарбиясига бағишламоқда.

Меҳр-мурувватли, саховатли, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ҳар томонлама етук, камтарин, заҳматкаш, ҳалол ва пок инсонлар она- Ватанимиз фахри, миллат ғурури. Зотан, кексалари бор хонадонга қутбарака киради, бахт-саодат, аҳиллик ва иноқлик, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири.**









## Ўқинг, бу қизиқ

### НОН ЎРНИГА... БЎТҚА

Илгари бўтқа ноннинг ўрнини босган. Нимадир бўлиб, пиширилаётган бўтқа ўз вақтида ўтдан олинмаган ва у қотиб нонга айланган. Фавқулодда пишиб қолган бу таом одамларга жуда ёқиб тушган. Кейинчалик нон ёпиш учун ёнғоқ мағзини янчиб ишлатганлар. Вақтлар ўтиб, бошоқли ўтлар донидан тайёрланган унни татиб кўришгач, бора-бора шу усулда нон пишириш одат тусига кирган.

### СОВУНМИ Ё КУЛ?

Совун пайдо бўлгунча аёллар нимани ишлатишган? Қадимда балчиқ, лой ёки қум совун вазифасини ўтаган. Чўл ва саҳроларда кўл ювишда фақат қумдан фойдаланилган. Кўҳна Юнонистонда эса қум ўрнига мой ишлатишган. Мой қўлнинг кирини тозалашга-тозалаган-у, лекин шундан кейин қўлдаги мой юқини кетказиш машаққат бўлган. Мой сувда ювилмаган, уни кетказишда қирғичдан фойдаланишган.

**ГУЛЖАМИЛА**
**тайёрлади**

## Спорт

# НАВБАТДАГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Меҳнаткашларни оммавий спортга жалб этиш ва уларнинг кундалик ҳаётига жисмоний тарбия ҳамда спортни киритиш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шуни эътиборга олиб, Тошкент алоқа коллежида пойтахтимизда жойлашган тармоқ корхона, ташкилот ҳамда муассаса ходимлари ўртасида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган спартакиаданинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда 24 та жамоадан вакиллар қатнашдилар. Улар орасида «Уздунробита», «Коском» қўшма корхоналари, Шаҳарлараро алоқа корхонаси, Электрмагнит мослашув маркази, Тошкент почтамти, Тошкент телеграф телефон станцияси, Тошкент алоқа технологиялари университети жамоалари бор эди. Улар спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда кўпкураш турлари бўйича куч синашишди.

Уч кун давом этган мусобақалар ҳаяжонли дамларга бой бўлди. Умумий ҳисобда биринчи ўринни Тошкент алоқа коллежи, иккинчи ўринни Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, учинчи ўринни эса «Узинфоком» маркази жамоалари эгаллашди.

Шахмат бўйича эркаклар ўртасидаги шахсий биринчиликда РРТМ ходими В. Козин биринчи ўринни эгаллади. Спортнинг шу тури бўйича айнан жамоа вакили Н. Колесниченкога ҳам ғолиблик насиб этди. Шашка бўйича бўлиб ўтган баҳсларда эркаклар ўртасида Автоалоқа жамоаси вакили Жалолиддин Нуриддиновнинг қўли баланд келди. Аёллар ўртасида ғолиблик Ўзбекистон Телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази ходими Тамара Пановага насиб этди.

Стол тенниси бўйича баҳсда Тошкент телеграф-телефон станцияси жамоаси аъзоси Р. Якубов зафар қучди. «Коском» қўшма корхонасидан Ирина Шерстнёвага тенг келадиган рақиб топилмади.

*Мусобақалар ҳақида иштирокчилар ўз фикрларини қуйидагича баён этдилар.*

**Нина Колотилина, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ходими:**

— Шу ташкилотда ишлаётганимга 45 йилдан ошди. 14 йилдан буён бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчилик қилиб келмоқдаман. Спортга ошнолик кишини ёшартиради дейишади. Мен ҳам ўз фаолиятимда бунга ишонч ҳосил қилиб турибман. Ҳар йили ўтказилаётган спорт тадбирларида иштирок этиб келаяпман.

**Зарифа Турсунова, ҳисобчи:**

— Республика алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилаётган бундай тадбирлар албатта иш фаолиятимизга ижобий таъсир этмоқда. Шунингдек, бу мусобақалар ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишларида катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мен спартакиада ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ғолибларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда республика алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Улар навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Н. РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**«KAFOLAT RIELF» МЧЖ** томонидан 2006 йил 19 сентябр куни ўтказилган аукцион савдоларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти, Паркент тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти Паркент тумани, Паркент шаҳрида жойлашган «Паркент озиқ-овқат ишлаб чиқариш бирлашмаси»га тегишли Тошкент вилояти Паркент тумани «Қорақалпоқ» қишлоғи, «Ёшлик» қўрғонида жойлашган бино ва иншоотлар, қурилма, ҳамда нон комбинатининг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари 166 400 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй Телефон: 138-69-70**

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2006 йил 7,9,14,16,21,23,28,30 ноябр кунлари соат 11:00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида, бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида «GAZCHITRANS» унитар корхонаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади.**

1. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 10 AR 823, 1999 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2\4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси 3-қават, 305-хона.**
**Маълумот учун телефонлар: 399-8448, 118-7952**



Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Хатлар бўлими: 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ бўлими: 153-87-73
Маънавият адабиёт ва санъат бўлими: 153-82-79
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Н.Йўлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: А.Абдуллаев ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.40

Буюртма Г— 1215
Тиражи: 7553

Газетанинг навбатдаги сони 7 октябр куни чиқади